ОКТЯБРЬ ВАХТАСИ ДАВОМ ЭТАДИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-йил чиқиши.

№ 221 (4427).

10 НОЯБРЬ ЧОРШАНБА 1971 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ШУДГОРЛАШНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари каби областимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари Улуғ Октябрнинг 54 йиллик байрамини меҳнатда катта муваффақиятлар билан нишонладилар. Улуғ байрам арафасида социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этган колхозлар, совхозлар ва районлар пахтачиликни кескин ривожлантиришда сезиларли ютуқларга эришганликларини яна бир марта намойиш қилдилар.

Бу йил областимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида айниқса пахтачиликни юксалтириш йўлида катта одим ташланди. Давлатга деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш соҳасида яхши ишлар амалга оширилди.

Областимиз пахтакорлари бу йил айниқса катта ютуққа эришдилар. Шу кунгача давлатга 385 минг 760 тоннадан ортиқ пахта етказиб берилди. Ҳали далаларда ҳосил бор. Барча куч ва имкониятлар ана шу ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олишга тўла сафарбар этилиши зарур. Бунинг учун дала ишларини конвейер усулида ташкил этиш, пайкалларни тезроқ ҳосилдан тозалаш ҳаракатида бўлиш керак. Шундай қилинмаса, кузнинг ғанимат фурсатлари ўтиб, ҳосил ёғин-сочинли кунларга қолиб кетади.

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, Терешкова номли, Янгийўл районидаги «Ленинизм», Пискент районидаги «Гулистон» колхозларида ва шулар сингари кузги ишларни ҳамма вақт белгиланган муддатда ўтказишга эришиб келаётган хўжаликларда бу йил ҳам дала ишлари намунали уюштирилган. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳайдов тракторларининг тўхтовсиз ва унумли ишлашида механизаторларга қулай ва шароити яратиб бериб, ишнинг жадаллашиши ва шудгорнинг сифатли бўлишига эришаётирлар. Оққўрғон, Калинин, Оржоникидзе, Ўрта Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ районларида шудгорлаш ишлари кўнгилдагидек бормоқда. Бу районларда белгиланган графиклар асосан қонқарли бажарилаётир. Район ва хўжаликларнинг раҳбарлари шудгорлашнинг суръатини янада тезлаштириш тадбирларини кўрмоқдалар. Шудгорда ишлаётган тракторларнинг тўхтовсиз ҳаракат қилиши учун ёнилғи ўз вақтида далага етказиб берилмоқда. Тракторчиларга кеча-кундуз ғамхўрлик кўрсатиб, уларни иссиқ кийим ва иссиқ овқат билан донм таъминлаб турилибди.

Маҳаллий партия ташкилотлари тракторчилар ўртасида социалистик мусобақани кенг ташкил этиб, ҳар бир механизаторнинг белгиланган нормани ошириб бажаришида уларга кўмак бермоқда. Партия ташкилотлари илғорлар тажрибасини кенг пропаганда қилишга, ишни сифатли бажарган тракторчиларни рағбатлантиришга, улар ўртасида моддий манфаатдорликни оширишга алоҳида эътибор бераётирлар. Шунинг учун ҳам юқорида номлари саналган районларда ва колхоз-совхозларда шудгорлаш тез суръатлар билан давом этмоқда.

Лекин, Бекобод, Бўка, Пискент, Янгийўл районларида ҳали ҳам шудгорлаш ишлари шу кунинг талаби даражасида кучайтириб юборилгани йўқ. Бекобод райони далаларни шудгорлашда областда энг охирги ўринда бормоқда. Шу районга қарашли Далварзин группа совхозларида далаларни шудгор қилиш талабга мутлақо жавоб бермайди.

Шудгорлашда область даражасидан анча орқада қолаётган бу районлар партия, совет ташкилотлари ҳамда қишлоқ хўжалик органлари ана шу ачинарли аҳволдан тезда хулоса чиқаришлари, шудгорлашни жадал суръат билан олиб бориш учун барча ҳайдов тракторларининг кеча-кундуз унумли ишлашини таъминлаш тадбирларини кўришлари керак.

Бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирган хўжаликларда шу нарса алоҳида қайд қилинмоқдаки, улар ўтган йили шудгорлашни белгиланган муддатда амалга оширишлари билан бирга ерларни ҳайдашдан олдин минерал ва маҳаллий ўғитлар билан тўйдиришга алоҳида эътибор берганлар. Бундай юқори ҳосилли хўжаликларда ерга ўғит солинмай туриб шудгор қилишга киришилмаган. Ана шундай жойларда бу йил ҳам агротехниканинг бу муҳим тадбири изчиллик билан амалга оширилаётир.

Кузнинг сўнгги ойи ўтиб бормоқда. Дала ишларини тез суръатлар билан олиб бориш учун куз ҳавоси жуда қулай келмоқда. Энди фурсат кутиб турмайди. Далада қолган ҳосилни тез кунда, сира нобуд қилмай йиғиб-териб олиш чораларини кўришимиз лозим. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари барча ҳайдов тракторларининг далада кеча-кундуз, тўхтовсиз ва унумли ишлашига эришиш тадбирларини кўрсинлар. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари шудгорлаш графикларининг оширибе бажарилишига эришиш учун курашсинлар. Трактор-чиларга ва шудгорлашда иштирок этаётган бошқа механизаторларга барча қулайликларни яратиб берайлик.

Областимизда тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида қишлоқ хўжалиги соҳасида катта ютуқларга эришилган экан, бу бизни келгуси йилда ҳам янада унумли ишлашга ва беш йилликнинг иккинчи йилида ютуқларимизни янада мустаҳкамлашга илҳомлантириши зарур.

Барча ҳайдов тракторлари тез кунда далаларга чиқарилсин. Шудгорлашни ҳартарафлама кучайтириб юборайлик.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 9 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун —бир кунда тайёрланган, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — шу жумладан машина билан бир кунда терилган пахта, бешинчи стун –мавсум бошидан бери.

Пискент	0,01	123,69	—	104,55
Оққўрғон	0,06	120,69	—	111,64
Юқори Чирчиқ	—	119,92	—	159,47
Бўка	0,10	119,63	—	108,20
Ўрта Чирчиқ	0,01	115,98	—	101,99
Янгийўл	0,06	113,77	0,12	85,75
Бекобод	0,03	108,03	—	87,40
Область бўйича	0,05	116,90	0,02	104,70

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

10-қурилиш бошқармаси «Главташкентстрой»га қарашли бошқармалар ичида пешқадам ҳисобланади. Қурувчилар Улуғ Октябрь байрами шарафига меҳнатда юқори кўрсаткичлар учун курашиб, йиллик планни октябрь ойининг бошидаёқ бажаришган эди.


Бунёдкорлар эришилган юксак маррадан руҳланиб, кун сайин суръатга-суръат қўша бордилар. Натижа чакки бўлмади: шу кунгача йиллик планга қўшимча равишда 532 минг сўмлик иш бажарилди. Бундан ташқари, кўплаб қурилиш материаллари иқтисод қилиб қолинди.

МУНОСИБ ТОРТИҚ

Олмалиқ мебель фабрикаси коллективи маҳсулот ишлаб чиқаришни йилдан-йилга кўпайтирмоқда. Унинг янги турларини тайёрлашни ўзлаштиришни тинимсиз давом эттирмоқда. Айниқса, ишнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашдаги ютуқлар қувончлидир. Шунинг учун ҳам мебелчилар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 54 йиллик байрамига муносиб тортиқлар билан келдилар. Ўзаро социалистик мусобақа асосида ишлаш, прогрессив технологияни ва илғор иш усулларини кенг қўлланиш туфайли йил бошидан буён планлагидан ташқари 250 минг сўмликдан кўпроқ мебель ишлаб чиқардилар.

Фабрика ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари маҳсулот реализация қилиш ўн ойлик топшириғини 106,2 процент қилиб адо этдилар. Меҳнат унумдорлигини оширишда ҳам дуруст натижаларга эришдилар. Ҳар бир мебелчи ишининг унуми белгиланганига қараганда 3,1 процент ортиқ бўлди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 112,7 процентни ташкил этади.

Мебелчилар шу кунларда қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш ва йиллик мажбуриятни шараф билан бажариш учун зўр куч-ғайрат ва кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқдалар.



ОБЛАСТНИНГ илғор хўжаликларида ҳосилнинг сўнгги граммлари йиғиштириб олинмоқда, келгуси йил мўл ҳосилига пухта ҳозирлик кўриш қизғин тус олди. Суратда: «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида экинлардан бўшаган ерлар шудгор қилинмоқда.

А. АБАЛЯН фотоси.

ПЕШҚАДАМ МЕХАНИЗАТОР

Колхозда Эргаш Қурбонбоев бошлиқ звено бу йил 35 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирди. Йиғим-терим ишлари ҳам биринчи бўлиб мана шу звенода бошланди. Пахтакорлар ғайрат билан ишлаб қисқа муддатда улкан ғалабани қўлга киритдилар. Пахта топшириш йиллик плани ошириб бажарилди. Эл хирмонига ҳар гектар ердан 28 центнердан ошириб «оқ олтин» тўкилди.

— Биз ҳосилнинг ҳаммасини машиналар билан териб олдик, — дейди Қурбонбоев, Деҳқонларимиз ўз зиммаларига оширилган мажбурият олишди. Улар ҳосилдорликни камида 40 центнерга етказишга аҳд қилишди.

Хўжаликда Эргашга ўхшаш бирсўзли, ҳиммати баланд механизаторлар кўп. Раҳмат Нишонбоев, Тоҳир Ризаев, Тошхўжаев каби пешқадамлар кунлик суръатни тобора оширяпти. Уларнинг шу кунгача тўккан пахтаси 100 тоннага яқинлашиб қолди. Ҳар куни давлатга йиллик планнинг 3—4 проценти миқдорида пахта топширилятти. Звено коллективи ўз зиммаларидаги мажбуриятни ҳам яқин кунлар ичида бажаришга ҳаракат қилишмоқда.

Э. ТОШМУРОДОВ, Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1971 ИИЛ 9 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — шудгорлаш проценти

Юқори Чирчиқ	66,1
Калинин	65,8
Оржоникидзе	61,1
Бўстонлиқ	43,6
Ўрта Чирчиқ	36,8
Оққўрғон	36,3
Бўка	25,7
Оҳангарон	22,8
Янгийўл	21,5
Пискент	16,2
Бекобод	14,0
Область бўйича	33,9

ПАХТАКОР ҚУВОНЧИ

Катта кўчадан ўтиб кетаётган олтмиш ёшлар чамасидаги киши колхоз партия ташкилотининг секретари Ширин Жамировни кўрди-ю, шу томонга бурилиб, планнинг қанча бўлганини суриштира бошлади.

— Қалай, бир юз йигирма бўлдими?

— Ошди-ку, бугунгисини қўшсак, салкам бир юз йигирма уч процент бўлади...

— Ҳа, тузук. Бир вақтлар қўшни колхоздагилар пахтадан гап очишса, бошимиз эгилиб кетарди. Биров бизга шу ҳақда бир нима дермикан, деб безиллаб турардик. План бажарилмаса, ҳосил паст бўлса, киши бошини баланд кўтаролмас экан... Ҳозир биров мендан пахтани сўраб қолса, жавобларим ҳам дадил... Энди биз ҳам шаҳардаги хизматчилардан кўпроқ ойлик олаяпмиз. Ўтган ойда қўлимга 170 сўм ойлик тегди.

Отахон бир пасдан кейин ўз йўлига қараб кетди. Ширин Жамиров у кишн кўздан гойиб бўлгач, гап бошлади.

— Абдукарим Ҳолиқов деганимиз шу, у оддий колхозчи, кекса коммунист. Ёзи билан сувчилик қилди. Ҳозир ворохда ишлаяпти. Интизомли, меҳнаткаш одам.

Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозда Абдукарим ака сингари севинчи ичига сиғмаган кишилар кўп. Коммунистлардан Раҳим Турсунов, Абдурасул Бобокулов, Малик Турсунов, Муҳаммад Исломов, Абдуҳамид Абдурахмонов, Каримқул Раҳимқулов бошлиқ бригада аъзоларининг ҳам севинчлари чексиз. Чунки бу бригадаларда пахта тайёрдаш планлари 120-140 процентдан ошириб бажарилган. Ҳосилдорлик гектар бошига 34-36 центнерга етган. Планлагидан эса 10-11 центнер ошган.

Бугина эмас. Колхоз бўйича бу йил биринчи марта ҳар гектар ердан 32,3 центнердан ҳосил олиниб, олга қараб катта қадам ташланган. Колхозда топширилган пахтанинг 92 процентдан зиёдроғи биринчи сортга қабул қилинган. Планга нисбатан 72,6 процент пахта машинада терилган. Шунинг учун ҳам колхоз катта даромад олди. Пландаги 1 миллион 550 минг сўм ўрнига 1 миллион 941 минг сўмдан зиёд даромад қилинди. Бу эса бултургига нисбатан қарийб 118 минг сўм кўпдир. Бундан ташқари шаҳардан камроқ ёрдамчилар келгани сабабли 30 минг сўм, меҳнат кунларидан эса 20 минг сўмча иқтисод қилиб қолинди.

Мана шулар колхозчиларни олам-олам қувонтирмоқда.

— Биз албатта бундай натижага осонлик билан эришмадик. Кейинги йилларда техникадан унумлироқ фойдаланяпмиз. Колхозчиларимиз ерни кўпроқ қадрлайдиган бўлиб қолдилар. Шу сабабли хўжалигимизда деҳқончилик маданияти кўтарилиб бораяпти. Кузда ерни чуқур ва сифатли шудгор қилиб, фосфор ва аммофос билан ўғитлаш яхши натижа бераяпти, — дейди колхоз раиси Муҳиддин Дўсанбоев.

Дарҳақиқат, бу тадбирларнинг натижаси бу йил яққол кўринди. Абдуҳамид Абдурахмонов бошлиқ бригада ерлари илгари жуда камҳосилли, пачақ ер ҳисобланарди. Бултур кузда шу ернинг гектарига 600 килограммдан фосфор, 200 килограммдан аммофос солиниб, чуқур шудгор қилинган эди. Бу йил эса шу ерларнинг ҳар гектаридан пландаги 26,4 ўрнига 36,1 центнердан ҳосил олинди.

Ҳозир колхозда иш қизғин: бир томонда қолган пахтани тезроқ йиғиб-териб олиб, пахта ҳосилини 4000 тоннадан ошириш, иккинчи томонда келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин яратиш, яна кузги дон экиш сингари ишлар жадал давом этмоқда. Далаларда 11 та ҳайдов трактори ишлаб турибди. Учта трактор пахта майдонларини, 4 та трактор шолипоялларини, 4 трактор эса ғалла майдонларини шудгор қилаяпти. Ғалла экиш давом этаяпти.

Эргаш Ўзбеков, Эргаш Қосимбеков бошлиқ бригада ерларида ҳозир бульдозерлар ишлаб турибди. Улар эски зовур ва кераксиз ариқларни, ўватларни текислаб ерга-ер қўшяпти. Абдуҳамид Абдурахмонов бошлиқ бригадада эса машина билан ғўзапоялар юлиб ташланяпти.

— Нега бошқа ерларда ғўзапоялар юлинмай ҳайдаляпти-ю, бу ерда ғўзалар юлиняпти?, — сўраймиз агрономдан.

— Бу ерлар вилт билан зарарланган. Шунинг учун ғўзапояларни тамом юлиб ташлаб, кейин шудгор қилинса келгуси йилда вилт камроқ бўлади.

Ҳа, Свердлов номли колхоз аъзолари бу йил катта ғалабага эришдилар. Хўжаликнинг барча соҳаларидаги планлар деярли тўла ва ошириб бажарилди.

Б. ХАЛИЛОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Фан ва техника соҳасида Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетининг таклифларини қараб чиқиб. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1971 йилги Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотларини қуйидагиларга беришга қарор қилди:

1. Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг академиги, Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси ҳисоблаш марказига эга бўлган кибернетика институтининг директори, иш раҳбари **Восил Қобулович Қобуловга**, физика-математика фанлари кандидати, лабораторня мудири **Комил Шаймардонқуловичи Бобомуродовга**, физика-математика фанлари кандидатлари, катта илмий ходимлар **Фахриддин Бадаловга, Тожибой Бўриевга, Вячеслав Александрович Толокка** — эластиклик ва эгилувчанлик назарияси масалаларини ечишни алгоритмлаш соҳасидаги ишлар цикли учун.

2. В. П. Чкалов номли Тошкент авиация заводининг директори, техника фанлари кандидати, иш раҳбари **Виктор Николаевич Сивецга**, техника фанлари кандидати, лаборатория бошлиги **Владимир Абрамович Вайсбургга**, техника фанлари кандидати, ивц бошлиги **Александр Львович Вишневскийга**, радиотехник **Михаил Николаевич Жидяевга**, техниклардан **Николай Николаевич Усковга, Александр Абдурахмонович Миргиёсовга** — программа билан бошқариладиган станокларни жорий этганлигини ва механика ишларида рақамли программа билан бошқариш воситаларининг самарадорлигини оширганлиги учун.

3. Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси ботаника институтининг катта илмий ходими, иш раҳбари **Семён Гавриловнч Головченкога**, катта илмий ходим **Абдумаинон Расуловга**, «Ғозғон» совхозининг директори **Қурдош Жонузоқовга**, биология фанлари кандидатлари, Бутуниттифоқ қоракулчилик илмий тадқиқот институтининг катта илмий ходимлари **Зебри Шамсудиновга, Чолбош Рустемовга**, лалмикор деҳқончилик институтининг катта илмий ходими **Карим Қомиловга** —1—6, 8—12, 14—изень ўтининг экологик формалари ва уларнинг Ўзбекистоннинг ем-хашак етиштириладиган суғорилмайдиган турли зоналаридаги хусусиятлари тўғрисидаги асар учун.

4. Филология фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтининг катта илмий ходими **Павел Георгиевич Булгаковга**, филология фанлари кандидати, катта илмий ходим **Абдуфаттоҳ Расуловга**, филология фанлари доктори, сектор мудири **Убайдулла Исроилович Каримовга** — Абу Райҳон Беруний асарларининг илмий тадқиқотлар цикли ҳамда илмий изоҳлар берилган таржималар учун.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Секретари Ш. РАШИДОВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. ХУДОЙБЕРДИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА 1971 ЙИЛГИ ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетининг таклифини қараб чиқиб, 1971 йилги Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларини қуйидагиларга беришга қарор қилди.

1. Ўзбекистон ССР халқ шоири **Собир Абдуллаевга**. (Собир Абдуллага) — «Девон» «шеърий тўплами учун.

2. Ёзувчи **Тлепберген Қанибергеневга** — болалар учун ёзилган «Раҳмат муаллим» номли повесть учун.

3. Киносценарий авторн **Оделша Александрович Агишевга**, постановкачи-режиссёр **Али Эргашевич Ҳамроевга**, оператор **Ҳатом Ҳолматович Файзиевга** ва рассом **Эммануэль Қалонтаровга** — «Фавқулодда комиссар» бадиий фильми учун.

4. Ўзбекистон ССР халқ артисти, композитор **Юнус Ражабийга** — олти томлик «Шашмаком» асари учун.

5. СССР халқ артисти **Галина Николаевна Загурскаяга** — М. Горький номидаги давлат рус академик драма театри саҳнасида Ч. Айтматовнинг «Момо ер» спектаклида она ролини ижро этганлиги учун.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Секретари Ш. РАШИДОВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. ХУДОЙБЕРДИЕВ.

КУБАЛИК МЕҲМОНЛАР

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитетининг таклифига биноан СССРда меҳмон бўлиб турган халқлар тинчлиги ва тенг ҳуқуқлилиги учун курашувчи Куба ҳаракатининг президенти, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг аъзоси, таниқли ёзувчи Хуан Маривельо бошчилигидаги шу ҳаракат делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан таниша бошлади.

9 ноябрда кубалик меҳмонларни КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қабул қилди. Бўлиб ўтган дўстона суҳбатда ўртоқ Ш. Р. Рашидов республика меҳнаткашларининг экономика ва маданиятни ривожлантиришда эришган муваффақиятларини гапириб берди.

(ЎзТАГ).



ХАЛҚАРО ЁШЛАР КУНИ

Ёшлар — келажагимиз, бахтимиз ва истиқболимиз. Нурли келажак ва истиқбол улар қўлида. Жаҳондаги миллион-миллион прогрессив йигит-қизлар ўз мамлакати, ўз халқи бахт-саодати йўлидаги курашда олдинги сафларда бормоқдалар.

Бугун жаҳон ёшлари учун қувончли кун. Улар халқаро ёшлар кунини шоду хуррамлик билан байрам қиладилар.

Советлар диёрида кўплаб чет эллик йигит-қизларни учратамиз. Уларнинг аксарияти олий ўқув юртларида таҳсил кўрмоқда. Республикамизнинг ўқув юртларида ҳам чет эллик ёшлар учун алоҳида факультетлар очилган.

Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ҳузурида ишлаб турган чет эллик граждан-лар учун тайёрлов факультети яқинда ўн ёшга тўлди. Шу муносабат билан мухбиримиз олий ўқув юртининг ректори, академик Т. САРИМСОҚОВ билан учрашиб, тайёрлов факультетининг фаолияти ҳақида суҳбатлашди.

— Бундан ўн йил муқаддам университетда чет эллик граждан-лар учун тайёрлов факультети ташкил этилган эди, — дейди ўртоқ Т. Саримсоқов. — Унда рус тили, ижтимоий фанлар цикли ва умумий таълим фанларидан иборат учта кафедра ишлаб турибди. Ҳар бир кафедра ўзига хос илмий-методик марказга айланган. Бу ерда маштулотлар олиб бораётган ўқитувчилар ўз соҳасининг моҳир усталаридир. Уларнинг кўпчилиги Москвадаги Патрис Лумумба номли «Халқлар дўстлиги университетида малака ошириб қайтди. Кафедра ўқитувчи ва студентлари республикамиз илмий ҳаётида актив қатнашмоқдалар.

Ўтган ўн йил давомида факультетни 1200 дан ортиқ чет эллик йигит-қиз муваффақиятли тугалладн. Куба, Вьетнам, Жазоир, Конго, Ҳиндистон, Афғонистон ва бошқа мамлакатлар ёшлари бунда кўпчиликни ташкил этди.

Студентларнинг пухта билим олишлари учун ниманки керак бўлса, ҳаммаси бизда муҳайё қилинмоқда. Уттиз мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган кутубхона улар ихтиёрида. Бу ерда рус, инглиз, француз, испан, вьетнам тилларида нашр этилган адабиётлар ҳам бор.

Ёшлар билан олиб борилаётган турли тадбирлар ҳам мароқли бўлмоқда. Вьетнам халқи билан дўстлик ва бирдамликка бағишланган тантанали йиғилиш айниқса яхши таассурот қолдирди.

Фурсатдан фойдаланиб, университетимизда таълим олаётган чет эллик студентларни бугунги халқаро ёшлар куни билан чин юракдан муборакбод этаман. Уларга ўқишларида ва шахсий ҳаётларида муваффақиятлар тилайман.

ПАРИЗОД САПАХОНОВА «Қизил тонг» фирмасининг илғор ишчиларидан. Айни кунларда у меҳнат вахтасида туриб, келаси йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришга астойдил интиляпти.

Суратда: Тошкентдаги трикотаж фирмасининг пешқадам ишчиларидан Сусанна Рамазанова. У доимо юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга астойдил интиляпти.



ТАБИИЙ ГАЗ — КОЛХОЗ ХОНАДОНЛАРИГА

«Узбекгаз»нинг Чирчиқ шаҳридаги 9-трести Тошкент областидаги колхоз ва совхозларни газлаштирипти. Юқори Чирчиқ районидаги икки колхозга газ ўтказиб бўлинди. Шу кунларда Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозига, Бўстонлиқ районидаги қишлоқларга табиий газ ўтказиляпти. 9-трест бошлиғи А. Казнинг айтишича, колхоз ва совхозларни газлаштириш графикда белгиланганига нисбатан тез суръатлар билан олиб борилияпти.

С. ТИТОВ.

СЪЕЗД РЕЖАЛАРИ ВА КИБЕРНЕТИКА ИСТИҚБОЛИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихий XXIV съездида кибернетика фани ва планлаштириш ишларини бошқаришга, электрон-ҳисоблаш техникасини ривожлантиришга, фан билан ишлаб чиқаришни узвий боғлаб олиб боришга муҳим аҳамият берилди. Бу бежиз эмас. Чунки бизнинг жамиятимизда фан ишлаб чиқарувчи кучга айланди.

Фаннинг, жумладан, кибернетиканинг ишлаб чиқарувчи кучга айланишини фан ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиш жараёни белгилаб берди. Фан бевосита ишлаб чиқарувчи эса ҳозирги замон фанининг технологик татбиқига айланиб бормоқда. Бу эса жаҳон фани ва техникаси тарихида бир бутун даврни ташкил этади, яъни энергиянинг битмас-туганмас ресурсларини беради, уни ҳақиқатан ҳам табиат ҳукмронига айлантиради.

Социалистик ишлаб чиқариш тараққиётининг ҳозирги босқичида ишлаб чиқаришни планлаштириш ва ташкил этишда фан етакчи роль ўйнай бошлади. Шу билан бирга фан коммунистик экономикани янада ривожлантириш жараёнида ишлаб чиқаришни планлаштириш, ҳисоблаш, назорат қилиш, бошқариш ва ташкил этишнинг яна кўпгина функцияларини ўз зиммасига олади.

Коммунистик ишлаб чиқариш бир бутун организм бўлиб, унинг барча элементлари қатъий равишда мувофиқлашган ва илмий жиҳатдан асосланган бўлиши зарур. Шунинг учун ҳам планлаштириш органлари, ҳисоблаш, назорат қилиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш ташкилотлари кўп жиҳатдан илмий марказларга ўхшаш бўлади. Улар фақат планлаштириш, ҳисоблаш, назорат қилиш соҳасидаги навбатдаги ишларнигина бажариш билан чекланиб қолмай, тадқиқотларни ҳам амалга оширадилар. Бундай марказларнинг ишида илмий ходимлар-тадқиқотчилар, иқтисодчилар, биологлар иштирок этадилар. Бу марказлар планлаштириш, лойиҳалаш ишларини бажарадиган, ишлаб чиқаришнинг ва ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришнинг оптимал (энг афзал) режимларини ишлаб чиқадиган электрон-ҳисоблаш машиналари, кибернетик қурилмалар билан таъминланган бўлади.

Ишлаб чиқаришни планлаштириш, ташкил этиш, бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш соҳасида банд бўлган кишилар бевосита моддий бойликларни ишлаб чиқарувчиларга айланадилар. Уларнинг меҳнати заводда ишлаётганларнинг меҳнати сингари унумли меҳнат бўлиб қолади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев партиянинг XXIV съездидаги ҳисобот докладида шундай деган эди: «Фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи куч сифатидаги роли тобора кўпроқ намоён бўлаётган бир даврда унинг айрим муваффақият-лари эмас, балки бутун ишлаб чиқаришнинг юксак илмий-техникавий даражаси асосий мезон бўлиб қолмоқда».

Шунинг учун ҳам институтимиз коллективи кибернетика фанининг айрим муваффақиятлари билан чегараланиб қолмай, республика миқёсида ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида электрон-ҳисоблаш техникасини қўллаш билан шуғулланиб келмоқда. «Главташкентстрой»да, УзССР автомобиль министрлигида, Ўзбекистон Давлат план комиссиясида ва қатор илмий ташкилотларда ахборот этилиб, турли хил халқ хўжалиги масалалари ҳал қилинаётганлиги буниг ёрқин мисолидир. Ҳозир институтимизда тўрт илмий йўналиш мавжуд. Булар алгоритмлаш ва ҳисоблаш математикаси, иқтисодий кибернетика, ҳисоблаш системалари ва техника кибернетикасидир.

Алгоритмлаш ва ҳисоблаш математикаси йўналиши бўйича қатъий жисмлар механикасини алгоритмлаш, газ конларини лойиҳалаш ва бошқариш, об-ҳаво маълумотларини олдиндан айтиб беришни ишлаб чиқиш ва шу сингари масалалар билан шуғулланиб келинмоқда. Маълумки, алгоритм сўзи бобомиз Ал-Хоразмий номи билан боғлиқ бўлиб, ҳар хил муаммоларни ечишни расмийлаштириш, деган гапдир. Ҳозир бу масала ҳисоблаш машиналарини қўллаш жараёнида катта аҳамиятга эга бўлди.

Яқин йиллар ичида ҳозирча назарий жиҳатдан ишлаб чиқарилган муаммоли масалаларни практикада қўллаш, жумладан, газ конларини эксплуатация қилиш ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш, тез муддатда электрон-ҳисоблаш машинаси ёрдамида об-ҳаво маълумотини олдиндан айтиб бериш, лойиҳалаш ташкилотларида алгоритмлаш усулларини қўллаш мўлжалланилмоқда. Шу нарсани айтиб ўтиш керакки, фақат Газли конини эксплуатация қилиш планини электрон-ҳисоблаш машинасида ишлаб чиқилганда халқ хўжалигига 10 миллион сўмлик даромад келтириш имкони туғиляпти.

Иқтисодий кибернетика йўналиши бўйича халқ хўжалигини ривожлантиришни олдиндан айтиб бериш асослари ишлаб чиқилади. Бизнинг институтимиз Ўзбекистон Давлат план комиссияси билан биргаликда оптимал планлар тузиш устида иш олиб бормоқда.

Техника кибернетикаси йўналиши кимё, машинасозлик ва бошқа соҳаларда бошқариш жараёнларига оид муаммоларни ҳал қилади. Бу соҳада институтимиз Чирчиқ электрохимия комбинати, Янгиёл гидролиз заводи, Тошкент самолётсозлик заводи, Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва бошқа корхоналарда ҳам иш олиб бормоқда.

Съездда давлат информация ва ҳисоблаш марказлари системасини тузиш зарурлиги алоҳида қайд қилинди. Бу — мураккаб масала. Институтимиз шу системанинг Ўзбекистонга тааллуқли масалаларини ҳал этиш устида ишламоқда. Юқорида қайд қилинган илмий муаммолар съездда бошқариш илми бўлган кибернетика олдига қўйилган масалалардан келиб чиқади. Ҳозирги кунда институтда тўрт фан доктори, 60 дан ортиқ фан кандидати ишлаб турибди. Бундан ташқари институтда етмиш кишидан иборат ёш фан кандидати республикамизнинг турли корхоналарида ишламоқда.

Партия XXIV съезди қарорлари муносабати билан кибернетика институти коллективи олдида келгусида катта вазифалар турибди. Жумладан, тўққизинчи беш йилликда технологик жараёнлар, информацион-ҳисоблаш системалари ва ақлий меҳнатни автоматлаштиришни барча миқёсда бошқариш автоматлаштириш назарияси бўйича тадқиқот олиб бориш планлаштирилган. Шунингдек, институт қурилиш ва транспорт соҳаларини планлаштириш ва бошқариш системаларини ишлаб чиқади. Республикамиздаги бир қатор завод ва корхоналарда тажриба ишлари олиб боради. Бу вазифалар ҳам қийин, ҳам масъулиятлидир.

Узоқ муддатга мўлжалланган маълумотларни олдиндан айтиб бериш масалаларини ҳисоб қилишда электрон-ҳисоблаш машиналаридан ҳам фойдаланилади.

Бизнинг тасаввуримизча, бу хусусда машҳур прогрессив олим ва арбоб Жон Берналнинг мулоҳазалари қизиқарлидир. Унинг фикрича, XX асрнинг ҳамма эриган ютуқлари ичида энг муҳими электрон-ҳисоблаш машинасининг бунёд қилинишидир. Шунинг учун ҳозир ҳеч бўлмаганда яқин даврда мумкин бўлган тараққиёт йўналиши—XX аср ва XXI асрнинг биринчи ярмида бўлиши мумкин бўлган сакрашларни электрон-ҳисоблаш машинасининг тараққиёт жараёни билан боғланган ҳолда олдиндан кўриш жуда муҳимдир.

Академик В. М. Пушковнинг баён этган қараш ва нуқтаи назарига мувофиқ қуйидаги йўналишни белгилаш мумкин.

Биринчи йўналиш — машина хотираси ҳажмини кўпайтириш. Бундай баҳолаш ва маълумотлар СССРда олиб борилади. Келажакда машина хотира системасида ҳамма фанларда, маданиятда кишиларнинг турли хил йўсинда тўплаган бойликлари сақланади. Бу соҳадаги яширин имкониятлар битмас-туганмасдир.

СССР ва чет эллардаги илмий адабиётларда ахборотни сақлашнинг яширин имкониятларини тадқиқ қилиш ва ҳал этишга бағишланган ишлар бор. Масалан, физика, квант механикаси, ноаниқлик принципи ва шу каби қонунларга қараб у ёки бу ҳажмда қанча ахборот сақлашни аниқлаш масаласидир. Бу ишлар жуда қизиқарли ва актуалдир. Институтимиз коллективи бу соҳада ҳам ниҳоди ишлар олиб боради.

Иккинчи йўналиш — микромикроминиатюраллаштириш. Бу, ҳозирги замон радиоэлектроникасининг ривожига тааллуқ бўлган электрон-ҳисоблаш машинаси конструкциясининг тараққиёти билан боғланган. Электрон-ҳисоблаш машинаси конструкциясини ишлаб чиқишда (лойиҳалашда) радиолампадан транзисторга ўтилди, кейинги йилларда эса бир бўлак синтетик кристалларнинг ҳар хил электрофизик хоссалари берилган пухта схемаларга ўтилди.

Бу йўналишлар электрон-ҳисоблаш машинасининг уч авлоди билан боғланган микроминиатюраллаштириш проблемасини ҳал этиш, жуда мураккаб ҳамда кўп миқдордаги элементлардан ташкил топган габарит ва оғирлиги жиҳатидан нисбатан чегараланган электрон-ҳисоблаш машиналарини қуриш имконини беради.

Жумладан, машинанинг ушбу глобал системаларига сақлаш, узатиш ва телевизион программаларни қайтариш системалари узвий тарзда киради. Бир неча ўн йилликда (балки ундан ҳам эртароқ) телевидение глобал системаси сақлаш, узатиш ва ахборотни қайта ишлаш системаси билан қўйиладиган бўлади. Бу эса ўз навбатида телетомошабинлар учун керакли программани ўзларига қулай вақтда танлаб кўриш имконини беради.

Ниҳоят, электрон-ҳисоблаш машиналари эвазига олимлар меҳнатининг ўзи тубдан ўзгаради. Машинанинг ўзи янги ахборотни тўплайди, қайта ишлайди ва беради. Шундай йўл билан, жумладан, кодларни қандай қидиришни баҳаради, яъни машинага фақат талаб ва алгоритмлар киргизилади.

Партия ғалаба берган аниқ режаларни яқин келажакда амалга ошириш, республикамизда электрон-ҳисоблаш техникасини қўллаш ва автоматик бошқариш системаларини ишлаб чиқиш учун институтимиз коллективи бутун куч ва имкониятини бағишлайди.

Н. МУМИНОВ,
техника фанлари кандидати, УзССР Фанлар академияси кибернетика институтининг илмий секретари.

ТАДҚИҚОТ МАВЗУИ — СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК

Тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш, асосий ишлаб чиқариш фондларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш олимларимиз олдига юксак вазифалар қўяди. Республика Фанлар Академияси Иқтисод институти илмий ходими Т. Аъзамов ва шу институтнинг аспиранти А. Икромов бу соҳада бир неча йил илмий-тадқиқот ишлари олиб бордилар. Изланишлар ўз самарасини берди.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг фалсафа, ҳуқуқ ва иқтисод фанлари бўлимида иқтисодий фанлари доктори О. Ҳикматов, иқтисод фанлари кандидатлари Р. Халиқулова, Р. Раззоқов ва бошқалар бу диссертацияларнинг халқ хўжалиги учун аҳамияти тўғрисида гапирдилар.

Бирлашган Совет бир овоздан А. Икромов ва Т. Аъзамовга иқтисод фанлари кандидати деган унвон беришга қарор қилди.

М. НЕЪМАТОВ.

ТОШКЕНТ БЎЁҚЛАРИ


Пойтахтимиздаги лак-бўёқ заводининг маҳсулоти ҳаммага манзур бўлаётир. Чунки унинг сифатига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу завод маҳсулотлари мамлакатимизнинг 30 дан ортиқ шаҳарларига ҳам жўнатилаётир.

Ҳозир лак-бўёқ ишлаб чиқариш хиллари анча кўпайди. Айниқса, белила ишлаб чиқариш цехи механизациялаштирилиши натижасида сифати анча яхшиланди.

Завод маҳсулоти ҳозир чет элларга ҳам жўнатилаётир, жуда кўп заказлар келиб турибди.

Яқинда Монголия дурадгорлари Тошкентда чиқариладиган лак ва сирли бўёқлар сифатига юқори баҳо бердилар. Уларнинг талабига биноан яна бир неча хил маҳсулот монголиялик дўстларимизга юборилади.

Бундан ташқари, Афғонистон, Болгария каби дўст мамлакатларга ҳам Тошкент бўёқлари жўнатилаётир.



✦ ПОЙТАХТИМИЗ қиёфаси кун сайин ўзгариб бормоқда. Бу ерда бунёд этилаётган маъмурий, маданий ҳамда турар-жой бинолари шаҳар ҳуснига ҳуси қўшяпти. Суратда: Луначарское шоссесида қад кўтарган янги турар-жой бинолари.

А. ПАЛЕХОВ

фотолари.

КАТТА КЎЧАНИНГ ЯНГИ ЧИРОЙИ

«Ташгипрогор» лойиҳалаш институтининг иқтидорли меъмори А. Косинский раҳбар-лигидаги меъморлар группаси яқинда улкан лойиҳалар Тошкентнинг асосий магистралларидан бири ҳисобланган Богдан Хмельницкий кўчасини реконструкция қилиш плани тайёр бўлди.

Штатсиз мухбиримиз С. Сайдалиев лойиҳа бош архитектори А. Косинский билан суҳбатлашди.

— Маълумки, Богдан Хмельницкий кўчасининг бир боши шаҳримизнинг улкан дарвозаси бўлган аэропортга бориб туташган,—деди бош архитектор. — Шунинг учун ҳам бу кўчани реконструкция қилишга кейинги пайтда катта аҳамият берилмоқда. Кўчанинг 1974 йилги жамоли, салобатини ҳаёлан кўз олдимизга келтиришимиз мумкин.

Аэровокзалдан шаҳарга кириб келаётганлар кўз ўнгида дастлаб само лочинлари учун қурилган «Аэрофлот» меҳмонхонаси намоён бўлади. Унинг ёнида 1200 ишчи-хизматчига мўлжалланган кўпқаватли ётоқхона бинолари жой олади. Кейин йўловчининг кўзи беш ва тўққиз қаватли уй-жой бинолари-га тушади. Биринчи турар-жой микрорайони деб аталмиш бу уйлар оралиғида болалар учун комбинат қурилади. Кўчани кесиб ўтган Салор ариги қирғоқларини янада гўзал қиёфа касб этади, озода йўлаклар, ям-яшил хиёбон, шинам чойхона... ҳамма-ҳаммаси соҳил ҳуснига-ҳуси қўшади. Шаҳримиздаги энг катта турар-жой биноси ҳам шу ерда қад кўтаради. 500 хонадонга мўлжалланган бу уйнинг лойиҳаси Франциядаги «КАМЮ» фирмаси таклиф этган лойиҳага маҳаллий шароитни ҳисобга олиб тузатишлар киритиш асосида тайёрланди. Унинг олд кўриниши жуда ажойиб бўлади. Бетондан тайёрланган айлана шаклидаги қувёп тўсиқи панеллар унга гўзаллик бахш этади.

Бу уйнинг қаршисида—кўчанинг нариги қанотида учта бир хил тўққиз қаватли турар-жой биноси барпо этилади. Унинг ёнида эса озиқ-овқат ва кулинария магазинлари, маиший хизмат кўрсатиш комбинати, кафе, мўъжазгина клуб жойлашади. Тўққиз қаватли ҳамда саккиз қаватли уйлар ўртасида 16-қаватли муҳташам турар-жой биноси салобат тўкиб туради. Шу ерда ишга тушириладиган чинни, пойафзал, газмол, спорт товарлари магазинлари ва бадиий салон аҳоли хизматида бўлади.

Б. Хмельницкий ва Полторацкий кўчалари кесишган жойда икки залли 400 ўринли кинотеатр, кутубхона ва пивохона бинолари қурилади. Б. Хмельницкий ва Ш. Руставели кўчалари муюлишида «Ташгекстильмаш» заводининг 12-қаватли маъмурий биноси қурилади. Бу бинога заводнинг лабораториялари, конструкторлик бюроси, кутубхона ва клуб жойлашади.

Ҳамма лойиҳалар тайёр бўлди. Унинг юзага келишида Тошкент Политехника институти архитектура факультетининг битирувчилари Р. Зинатуллин, Т. Маметова, Н. Гағултян, Н. Петрова ва А. Китановлар бизга катта ёрдам беришди.

Ҳозир мазкур лойиҳа асосида қурилиш ишлари бошлаб юборилди. 500 квартирали турар-жой биноси бунёд этилмоқда.

ЯНГИЛИК ЖОНКУЯРЛАРИ

Ҳаммага маълумки, паррандачилик фабрикаларида товуқлар механизациялашган қафасларда боқилади. Бу қафасларда тўпланган чиқинди пайжарали полдан тўшамаларга тушади. Сурма қуракчалар уларни тўплайди. Шу тўшамалари орасига сим солинган ойнадан тайёрланади. Улар айтарли мустаҳкам бўлмай, салга синиб кетарди. Тўшамаларни алмаштириш учун эса анча вақт сарфланарди. Бундан ташқари, ҳажми унча катта бўлмаган бундай ойна тахталар қиммат бўлиб, ҳар бири 1 сўм 76 тийин турарди.

Паррандабоқарлар тўшамаларни мустаҳкамроқ материаллардан тайёрлаш ҳақида бош қотиришди. Бу ишда уларга Тошкентдаги грамплластинкалар заводи коллективи ёрдамга келди. Бундан бир йил муқаддам завод инженерларидан Игорь Степанов, Василий Дергуновлар Тошкент паррандачилик фабрикасининг инженери Борис Шаповалов билан биргаликда ажойиб рационализаторлик таклифи билан чиқдилар. Улар тўшамалар ва товуқлар учун дон солинадиган қутичаларни завод ишлаб чиқариш чиқиндисидан тайёрлашни таклиф этдилар. Шу тахлитда тайёрланган буюмларнинг анча мустаҳкамлиги маълум бўлди. Шундай қилиб, корхонада тўпланиб қолган 500 тоннадан ортиқ чиқиндидан фойдаланиш имконияти туғилди. Бу чиқиндилардан мустаҳкам, эгилувчан тўшама тахталар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ҳозир корхонада ишлаб чиқариш чиқиндиларидан маҳсулот тайёрлайдиган махсус шиптотреб цехи ишлаб турибди. Ўн кишидан иборат коллектив, қотиб ётган смолаларни майдалаш ва иссиқ вольцовка қилишни ҳам йўлга қўйди. Натижада ҳар ойда беш мингтадан пластмасса тахтаси ишлаб чиқарилмоқда. Бундай ҳар бир тўшаманинг нархи 89 тийин. Уларни ташиш учун яшикларга жойлаштиришнинг ҳам ҳожати қолмади.

Бундан корхона ҳам фойда кўрмоқда, чунки ҳар йили яна 50 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг анчагина қисмини мукофот фондига ажратиш имкони туғилди. Энг аҳамиятлиси шундаки, саноатчилар паррандачиларга жўжалар ва товуқларни боқиш харажатларини анча камайтиришга ёрдам бердилар. Биргина Тошкент паррандачилик фабрикаси ойна тўшамалар ва руҳланган пўлатдан тайёрланган сувдонларнинг ярмини пластмассалилари билан алмаштириш туфайли бу йил 20 минг сўмликдан ортиқ маблағни тежаб қолди.

Лекин, ачинарлиси шундаки, бу янгилик афзалликлари барчага аён бўлишига қарамай, республикамиздаги бошқа саккизта паррандачилик фабрикасида жорий қилинмаяпти. «Узптицепром» раҳбарлари Тошкент паррандачилик фабрикаси коллективининг ижобий тажрибасини ёйиш ҳақида бир фикрга келгунларича бундай ажойиб тўшамалар Тошкентда тайёрланаётганлигини қардош республикаларда билиб қолишди. Улар грамплластинка заводига кўплаб буюртма бердилар.

Цехда чиқиндилардан тайёрланаётган буюмлар тури тобора ортиб бораяпти. Қоракўлчилик ва чорвачилик хўжаликлари учун ишлаб чиқарилаётган суғориш оҳурлари кўпчиликка маълум бўлди. Унинг нархи ҳам қиммат эмас. Бир донаси 60 тийин туради. Шу вақттача фойдаланиб келинган ва руҳланган пўлатдан тайёрланган, вақти келиб занглаб кетадиган оҳурларнинг ҳар бири учун хўжаликлар 2 сўм 87 тийин сарфлади.

Янгилик жонкуярлари ҳозир кўп қаватли уйларнинг балконларига ўрнатиш учун гул яшикларини ҳам чиқиндилардан тайёрлаб беришяпти.

Ж. ПАРПИБОЕВ.

МУРАББИЯ *ЛАВҲА*

Хонада сукунат ҳукмрон. Қутби опа, қизларнинг ахлоқи, иффати ва латофати тўғрисида, қийинчиликларга маданияти, жамиятга ва ота-оналарига бўлган муносабат, умуман, коммунистик ахлоқ ва инсоний бурч ҳақида тўлқинланиб гапирарди.

Шундан сўнг бир неча қиз сўзга чиқиб, бу борадаги ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

Бундай суҳбатлар мактабда тез-тез бўлиб туради. Қизлар билан суҳбатни олиб боришда моҳир педагог, меҳрибон мураббия Қутби опа Расулова бошчилик қилади.

1948 йил. Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих факультетини тугатган Қутбини Калинин районидаги 9-ўрта мактабга ишга юборишди. У юқори синф ўқувчиларига тарих фанидан дарс бермоқда.

Қутби опа мактабда ўқитиш самарасини кўтариш ва ўзлаштириш сифатини ошириш ишига кўп йиллардан бери муносиб ҳисса қўшиб келаётир. У хотин-қизлар советининг раисаси вазифасини ҳам бажаради. Ишчан агитатор сифатида ҳам танилган.

— Қутбихон Расулова ишчан ва меҳрибон мураббия — дейди мактаб директори Комил ака Ҳошимов. — Педагогик маҳорати билан юқори синфларда ҳам, бошланғич синфда ҳам яхши ўзлаштиришга эришмоқда. Ишда ота-оналар ёрдамига таянади. Ўзлаштирмовчи ўқувчилар билан дарсдан сўнг қўшимча машғулотлар ўтказиб туради.

Бу ерда Қутби опа каби ўз касбини севган моҳир педагоглар кўп. Тарбиявий ишлар бўйича бўлим мудири, тарих ўқитувчиси Раҳимжон ака Содиқов, адабиёт ўқитувчиси Абдували ака Ғаниев, мактабнинг илмий бўлим мудири, физика ўқитувчиси Туроб ака Камоловлар ана шундай жонкуярлардан.

Ўлкамизда аввал кўз. Ҳали осмонда пағa-пағa булутлар сузиб юради, ҳали кун чарақлаб очилиб кетади. Гоҳ салқин, гоҳ илиқ шабада эрта билан унинг ҳамиша меҳр ва нур ёғилиб турган меҳрибон юзларини сийпалаб ўтади. Дарахтлардаги олтинранг барглар худди жонажон ўқувчилари каби унга таъзим билан саломга эгилгандек... Мана, мюлюшдан бир тўда ўқувчилар югуриб келиб, Қутби опанинг атрофини ўраб олишди. Меҳрибон мураббий уларни худди ўз фарзандлари каби қучиб эркалайди. Кўнгли олам-олам қувончларга тўлади унинг. Шодлигидан кўзларида нур порлайди...

Шоҳида УМАРХЎЖАЕВА.

БУГУН СОВЕТ МИЛИЦИЯСИ КУНИ

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ



Ўз байрамларини сидқидил етуклик билан кутиб олган область ички ишлар бошқармасининг кўп минг кишилик коллектив халқимиз осойишталигини кўз қорачиғидек асраш йўлида доимо сергак ва хушёр бўлиб турибди. Байрам арафасида жамоат тартибини сақлаш, давлат ва халқ мулкини техникўрлардан қўриқлашда намуна кўрсатган бир группа милиция ходимлари қимматбаҳо буюмлар билан мукофотландилар. Мукофотланганлар орасида милиция старшинаси И. Беляев, область ички ишлар бошқармаси социалистик мулкни ўғирлиндан муҳофаза қилиш бўлим бошлиғи милиция подполковниги Ф. Нуриддинов, Оржоникидзе район ички ишлар бўлимининг милиционери К. Турмуҳамедов, область ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув бўлими бошлиғининг ўринбосари милиция подполковниги М. Файзуллаев, милиционер Б. Якушин, Оржоникидзе район ички ишлар бўлимининг бошлиғи Ф. Раҳимбердиева ва бошқа ўртоқларнинг номларини учратиш мумкин. Суратда: (юқорида) мукофотланганлардан бир группаси. (Пастда) область ички ишлар бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ё. Зоки-ров шахсий составнинг тайёргарлигини кўздан кечирмоқда.

А. Абаляи фотолари.

МУҚАДДАС БУРЧ

Ватанимиз Улуғ Октябрь байрамини эллик тўртинчи марта нишонлади. Революциянинг ҳар йиллиги халқимизнинг инсоний меҳнат кўрки, мамлакатимизнинг коммунизм тантанаси сари олға қадам ташлаб боришида янги ғалабалар намойиши сифатида нишонланади.

Октябрь революцияси буржуа давлат тузумини парчалаб ташлади ва ишчи-деҳқонларнинг янги социалистик давлатини ташкил этди. В. И. Ленининг ташаббуси билан революция қонунлари ва тартибларини ҳимоя қилиш, контрреволюциянинг меҳнаткашлар ҳокимиятини ағдариб ташлаш учун

давомини 2-бетдан ўқинг

батамом тугатиш соҳасида белгилаб берган программасини амалга оширишда актив иштирок этмоқда.

КПССнинг тарихий XXIII съездидан кейин жиноятчиликка қарши курашда, ҳуқуқ-тартибот ва социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш масалаларини ҳал этишда янгича йўл тутила бошланди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1966 йил 23 июлдаги «Жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги қарори бу соҳада янги босқич бўлди. Ана шу қарор партия, совет ташкилотларини, милиция, суд ва прокуратура органларини жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш соҳасида янги йўл-йўриқлар билан қуроллантирди, айни вақтда улар олдига янги юксак талаблар қўйилди.

КПССнинг XXIV съезди ва Узбекистон Компартиясининг XVIII съезди қарорларида ҳам социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор берилди.

Пойтахт область милициясининг ходимлари жамоат тартибини сақлаш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш олиб боришда нўп куч-ғайрат сарфламоқдалар. Шу ўринда милиция хизматини яхши ўтаётган, жиноятчиликка қарши кураш, социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда жонбозлик кўрсатаётган неча ўнлаб ходимларимизнинг номларини тилга олиш мумкин. Бенобод шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари майор Ф. А. Бурлимов, старшина М. Салоҳиддинов, сержант А. Нишонов, область ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлим бошлиғининг ўринбосари М. Файзуллаев, Янгийўл ички ишлар бўлимининг ходими старший лейтенант Н. Н. Полугаров, Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлими ОБХСС бўлими бошлиғи М. Каримов, Оққўрғон район ички ишлар бўлими участка инспектори младший лейтенант М. Жўрабеков ва бошқа нўплаб жонкуяр милиция ходимлари шулар жумласидандир. Бизнинг бу каби машъалларимиз — милиция аъзочиларн жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Милиция органларининг ҳамма ходимлари ана шу машъалларга тенгдошишга ҳаракат қилишмоқда.

Жиноятчиликка қарши кураш муваффақияти кўп жиҳатдан амалий профилактика, гайриижтимоий ҳодисаларнинг олдини олишга боғлиқ. Профилактика — тартиб бузувчиларга қарши курашда асосий йўлдир. Бу ишда милиция органларига айниқса халқ дружиналари, ўртоқлик судлари, балогатга етмаганлар иши бўйича комиссиялар, бошқа хил жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашлар коллективлари яқиндан ёрдам бермоқдалар. Совет милицияси куч-қудрати ҳам халқ билан алоқасининг мустаҳкамлигидадир.

Совет милицияси — халқ хизматкори, у ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонларнинг, бутун совет халқининг манфаатларини ҳимоя қилади. Милиция ходимларининг бундан кўра олийжаноб ва муқаддасроқ мақсади йўқ.

Совет милицияси куни — бутун совет халқининг байрами. Бу байрамни кўп миллатли совет халқлари ҳар йили тантанали нишонлайдилар. Милиция ходимлари ўз навбатида Коммунистик партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлигига жавобан халққа хизмат қилишдек олий бурчларини шараф билан ўтайверадилар.

Ғ. ЗОКИРОВ,
Тошкент область жиноят комитетя ички ишлар бошқармасининг бошлиғи.



РАҲИМОВЧИЛАР ПОСТДА СЕРГАК

Юртимизда тўйларга тўйлар уланиб боряпти. Бу йилги милиция ходимлари куни Октябрь 54 ёшга тўлган тантанавор байрам кунларида, саноатчиларимиз ва бинокорларимиз шонли партиямизнинг XXIV съезди қарорларини амалга ошириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган, марду майдон пахтакорларимиз она-Ватан хирмонига 4 миллион 400 минг тонна пахта хирмонини уйиб, улкан сафар қучаётган кунларда ўтмоқда.

Пойтахт шаҳримиз бағрида янгидан ташкил этилган Собир Раҳимов район милиция ходимлари ҳам халқимизнинг қадимий анъанасига кўра ўз байрамларини меҳнатда ажойиб натижалар билан кутиб олдилар.

Улар район меҳнаткашларининг осойишталигини, тинч яшаш ва меҳнат қилишларини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида жамоатчиликка таянган ҳолда иш олиб бормоқдалар.

Район партия комитети ва совет ташкилотларининг яқиндан кўрсатган ёрдами туфайли завод, фабрика ва қурилиш ташкилотларида кўнгилли халқ дружиналиридан иборат постлар ташкил этилди. Уларнинг активлиги, жойларда доимо хушёр бўлиб туришлари натижасида тинч, бир-биридан ширин ўтаётган ҳаётимизга доғ туширувчи текинхўр, безорлар ва ичкиликбозларга қарши кескин кураш олиб борилди.

Айниқса, жойлардаги жамоат тартибининг сақлаб, аҳолининг тинч ҳаёт- кечиришини таъминлашда район милиция ходимларига Тошкент Давлат университетининг жонкуяр студентлари, компрессор заводи, 1, 3-автобус паркари, 10-металл ремонт заводининг илғор ишчиларидан ташкил топган халқ дружиначилари олиқаноб хизматларини бугунги улуғ айём кунларида алоҳида кўрсатиб ўтиш ўринлидир.

Бундан ташқари, районда жиноятнинг олдини олиш, унинг келиб чиқиш сабабларини атрофлича ўрганиш ва бартараф этиш юзасидан ҳам амалий ишлар қўрилмоқда. Маълумки, жиноятнинг олдини олиш мақсадида оммавий-сиёсий тушунтириш ишларини кенг йўлга қўйиш жамоат тартибини мустаҳкамлашнинг асосий йўналиши бўлиб қолди. Ана шу мақсадда район прокуратура, суд ва ички ишлар бўлими раҳбарлари маҳаллаларда, завод ва фабрикаларда, қурилиш участкаларида тарбиявий ишларни яхшилашга доир темаларда лекция ва суҳбатлар уюштириб туришибди. Бундай профилактика жойларда ўз ижобий натижасини кўрсатаяпти. Масалан, илгари айниқса ёшлар ўртасида кўплаб жиноят содир бўлиб турадиган «Мевазор», «Маориф», Калинин номли «Фаол», «Суръат», Свердлов номли ва «Кўмирхона» маҳаллаларида бундай кўнгилсиз воқеалар кескин камайди.

Район милиция бўлими аҳолиқ тузатиш жойларидан ўз муддатини ўтаб қайтган кишиларнинг кейинги тақдирига алоҳида эътибор билан қараб келмоқда. Уларнинг келгусида ҳаётдан ўз ўрнини топиб, ҳалол меҳнат қилиб, ҳақиқий инсон бўлиб етишишлари учун доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Улар ишга жойлаштирилмоқда, илғорларга бириктириб қўйиш йўли билан тарбияланмоқда.

Районда жиноятни очиш, уларнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашда ходимларимиздан Т. Юсупов, А. Мустафоев, Х. Нигматов, Қ. Ҳасанов, С. Раҳимов, И. Ҳидоятов ва бошқа қатор ўртоқларнинг хизматини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.

Ўзбек халқининг асл фарзанди С. Раҳимов издошлари бўлган районимиз милиция ходимлари бундан кейин ҳам ўз постларида доимо сергак туриб, юртимиз бойлиги, халқимиз осойишталиги йўлида доимо хизматда бўладилар.

М. АҲМЕДОВ.
С. Раҳимов район ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция полковниги.

КЎМАКДОШ САФДОШЛАР

Яқинда Ўзгариш қишлоқ Советида бўлдик. Сайр қилиб баҳри-дилимиз очилди. Кейинги етти-саккиз йил ичида Ўзгариш чиндан ҳам ўзгариб кетибди. Қишлоқ обод, файзли, аҳоли бадавлат, фаровон ҳаёт кечирмоқда.

Илгари бу қишлоқда баъзан кўнгилсиз воқеалар, ёшлар ўртасида безорилик, ичкиликбозлик учраб турарди. Сўнгги йилларда партия ташкилотлари, қишлоқ ва посёлка Советлари аҳолн осойишталигини таъминлаш йўлида кўнгилли халқ дружиначилари ташкил этишди. Улар жамоат милициямизнинг яқин сафдошлари бўлиб қолди. Буни биз Ўзгариш қишлоқ Совети мисолида ҳам яққол кўрдик. Бу ерда кўпчилик орасида ҳалол меҳнатлари билан, обрў-эътиборлари билан таниллган механизаторлар, сувчилар, илғор чорвадорлардан ташкил топган дружиначилар штаби ишлаб турибди. Аҳолн тинчлигни ва осойишталигини асосий мақсад қилиб ташкил этилган ана шу дружиначилар штабининг 60 аъзоси бор. Улар маҳаллий партия ташкилоти, қишлоқ Совети раҳбарлигида қишлоқда ҳар тарафлама осойишталик ўрнатиш, безорилик ичкиликбозлик каби эскилик сарқитларининг олдини олиш борасида намунали ишлар қилмоқдалар.

Мана, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган Жўра Нишоновни мисолга олайлик. У Улуғ Ватан уруши ветерани. Шу билан бирга актив дружиначи. Яқинда Жўра Нишоновга катта бир хурсандчилик насиб этди. Калинин район ҳарбий комиссариати унга икки орден — II даражали Ватан уруши ҳамда Қизил Юлдуз орденларини топширди. Бу орденлар Ватан урушида жасорат кўрсатган Жўра Нишоновни 25 йилдан кейин «топиб» келди.

Ҳозир қишлоқда безори ва ичкиликбоз деярли йўқ, деса бўлади. Бу халқ дружиначиларининг тартибузарликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш олиб бораётганликлари натижасидир.

Шундай, Ўзгариш қишлоқ Совети халқ осойишталигининг посбонлари шонли милициямиз ишига кўмакдош сафдошлар бўлган ўз дружиначилари билан яқиндан ёрдам бермоқда.

Е. МОРДУХАЕВ,
Калинин райони.

КЎК „ВОЛГА“ ИЗИДАН

ХАЛИЛ ТУРДИЕВ

Владимир Флоренцевнинг журналистик ва ёзувчилик фаолияти милиция органлари билан боғлиқ. Марказий ва республика матбуоти саҳифаларида босилган унинг ҳикоялари, очерклари яшил шинелли довюрак милиция ходимлари ҳаётига бағишланган. «Ёш гвардия» нашриётида чоп этилган унинг «Кўз илғамас олишув» китоби ҳам шу мавзу ҳақидадир.

Яқинда В. Флоренцев ўзининг «Соқов гувоҳ» номли повестини ёзиб тамомлади. Бунда машина ўғирловчиларининг кирдикорлари фош этилади. Бугун биз ана шу повестдан парча босаётирмиз.

(ПОВЕСТДАН ПАРЧА)

МУЮЛИЩАДА мотоцикл яшиндай чақнади. Агдарилиб кетай деди. Федя газни қаттиқроқ босиб, мувозанатни сақлаб қолди ва янада тезлик билан ҳайдаб кетди.

Йўл яқин жойда кесишади. У улгурадими-йўқми? Кўк «Волга» деганлари қайси экан? Березуцкийникини ҳайдаб кетишибди. Отасиникими, ўғлиникими? Лёна Березуцкий ҳозир қаерда экан? Нега у турбазага қайтмабди? Зудлик билан уйга бориб келаман, деган экан. Нега? Эртага альпинистлар бу ердан кўчадику. Лёна бўлса ҳамон йўқ...

Мезенцев турбазада кўпчилик билан гаплашди. Ким билан гаплашмасин, ҳамма бир овоздан Лёна ажойиб, самимий ва ишонса бўладиган ўртоқ дейишди. Лекин бироз камгап ва ўтакетган камтарин йигит.

«Қизлай уятчан йигит», — деди у ҳақида команда капитани норгул гавдали Альберт. Мезенцев ундан мабодо Алла Акинина билан таниш эмасмисиз, деб сўраганда, Альберт айёрона кулиб: «Бўлмасамчи!» деб қўйди. «Бўлмасамчи!» дегани нима дегани? Федя эзмаланиб ўтирмади. Альбертнинг ўзи аниқлик киритмоқчи бўлди шекилли: «Баландлик» ашуласи ёдингиздами? Висоцкий айтгандай... деди ва ҳуштак чалиб куйга солди:

Бундайинлар баландликка олиб чиқилмас,
Бундайинлар ҳақидачи
қўшиқ тўқилмас...

Альберт ўйчан тин олди ва қўлини силтаб:

— Лёнка Акининанинг нимасига ҳушлар, ўзиям роса инжиқ қиз бўлса...

— Ахир Лёнани Рая севади-ку, буни ҳамма билади.

Кейин у Мезенцевга медицина институтининг толибаси, Лёнка ишқида куйиб юрган Рая Гусева ҳақида гапириб берди. У Лёнка олдида бўлиш учуноқ альпинистлар секциясига ёзилган. Мана энди турбазада ҳавотирланиб, у ёқдан бу ёққа бўз қўйиб юрибди. Березуцкий қаёқда, бирон кориҳол бўлмадимикин... «Бизнингча ҳеч нарса бўлмаган бўлса керак», — деди гап охирида Альберт.

Шу орада Рая Мезенцевнинг шаҳарга кетишини билиб қолиб, мени ҳам олиб кетинг, деб тиқилинч қила бошлади. Федя унга шунчаки бир назар ташлаб қўйди: дум-думалоқ, чилоёқ, ҳунук юзли, узун ва катта бурунли қиз экан Рая деганлари. Катта-катта кўзларида мовий нимқоронғулик аллақандай жозиба ўйнаб турарди. Қизнинг ҳўрлиги келди. Шундай чеҳралар бўладики, кўз ёши ярашади. Инги Раянинг шундоқ ҳам ҳунук юзини яна ҳам ёқимсиз қиларди. Федя Алла Акининанинг силлиққина чеҳрасини кўз олдига келтириб кўрди. Кейин шошиб Раяга:

— Қани кетдик, — деди.

Шу пайт қаёқдандир ҳарсиллаб радист келиб қолди ва Микушевдан олган хабарини Мезенцевга етказди. Нима бўлганини Федя аниқ тасаввур қилолмади, лекин шу аснода мана шу йўлда пайдо бўлиши мумкин бўлган кўк «Волга»ни дарҳол ушлаши кераклигини англади. У Раядан узр сўради. Уни тасодиф туфайли олиб кета олмаслигини айтиб, мотоциклига ўтирди. Рулни маҳкам тутган ҳолда, тоғ ўнқир-чўнқирларига қарамай, шамолдай елиб кетди.

Ярим чақирим юргач, унинг кўзи чорраҳага тушди. У тикилиб пастга қарар экан, йўлда ғизиллаб келаётган кўк машинани кўрди. Лекин бу самосвал эди. Самосвални ўғирлашлари мумкин эмас...

Бу ерда тоғ йўли кимсасиз бўлади. Аҳён-аҳёнда мана бу самосвал каби битта-яримта машина ўтиб қолади. Кейин яна жимжитлик ҳукм суради...

Мана, чорраҳа. Битта ўртача йўл тоғ томон бурилган бўлиб, чамаси эллик чақиримдан сўнг катта йўлга туташарди. Иккинчи чорроқ йўл эса турбазага олиб борарди. Бу йўлчадан ҳозиргина Федя келди. Демак, кўк «Волга» чорраҳадан аллақачон ўтиб кетган, ёки бу ерга энди келади, деб тахмин қилиш мумкин. Кўк «Волга»га қарши бориш керак, деб ўйлади Федя ва мотоциклини шартта буриб, шитоб билан ҳайдаб кетди.

Ўнг ва сўлдаги мудроқ тоғларни туман чулғаган. Мана энг хавфли участка, кескин бурилиш, сўнгра қўрқинчли жарлик. Ундан кейин йўл тептекис, равон. Гўё текисликни нурланувчи ўқ кесиб ўтгандай. Тўппа-тўғри. Бир қарашда бурилиш борлиги сезилмайди, йўл тўғри кетганга ўхшайди. Йўловчини алдайди бу кўриниш. Даҳшатли нарса ҳам шу эди. Ўргамчи шофер учун айниқса хавфли.

Федя жар ёқалаб секин юрди ва енгил нафас олди. Ҳайрият, ўтиб кетибди! Шу пайт унинг қулоғига аллақандай гувиллаш эшитилди. Бурилиш олдида мотоциклини тўхтатди. Ўёқ-буёққа қаради. Тўғрида жарлик. Олдинда кафтдек тептекис йўл...

Овоз кучайиб келаётган томонга ўгирилди. Бирмаҳал бурчини осмонга кўтариб, елдек учиб келаётган машинага кўзи тушди. Машина тўппа-тўғри Мезенцев томон келарди.

— Тўхта! — бақирди Мезенцев ва мотоциклини йўл ўртасида қайтариб яна қўл силтади, кейин яна қаттиқроқ бақирди.

— Тўх-та-а-а!..

Лекин кўк «Волга» яна ҳам тезлашди. Шофер бор кучи билан сигнал берарди. Федя 12—42 ТНФ номерини пайқади. Унинг ранги оқариб, нафаси ичига тушиб кетди. Елкаларини, орқасини, ҳатто кафтларини совуқ тер босди. У ўзи томон босиб келаётган машинага қараб турарди. Лекин йўлдан қочмади. «Волга» эса жонҳолатда сигнал бериб, Федяга тобора яқинлашиб келарди. Федя орқа чўнтагидан пистолетини олиб, машина гилдирагини нишонга олди.

— Тўхта! Жарга аганаб кетасан, аблаҳ!..

Федя отмоқчи бўлди. Шу зумда машина кескин четга бурилди. Йўлни чангитиб, тошлар устидан ҳаклаб-ҳаклаб, кенг катта харсангга бориб урилди ва бир ёнига аганаб тўхтаб қолди.

Мезенцев машинага отилди. Ханжираб борибди, «Волга» эшигини очди. Шофер тирик эди. Йигирма уч-йигирма тўртларга кирган йигит рулда ўтирарди. Унинг орқа юзлари оқарнб кетган, лаблари ёрилган бўлиб, чап қоши устидан қон оқарди.

— Березуцкий сизмисиз? — деди Мезенцев нафасини ичига ютиб.

— Ҳа, мен...

Қўёш осмонда аёвсиз қизарарди. Мезенцевнинг сариқ мотоцикли офтобда кўз қамаштиргудек ялтирарди. Ундаги «ГАИ» деб ёзилган йирик ҳарфлар аниқ кўзга ташланади. Мезенцев бир неча қадам нарндаги тубсиз жарликка қараб турарди. Березуцкий эса ўлимдан қолгандан бехабар, кўз ойнагини қидириш билан овора эди...

Русчадан Р. УМАРОВ таржимаси.

Шу йил 7 ноябрда оғир касалликдан сўнг область автомобиль йўллари қурилиши ва ремонти бошқармасининг бошлиғи Халил Турдиев вафот этди.

Х. Турдиев чўпонликдан йирик партия ва совет ходими даражасигача бўлган катта ҳаёт йўлини босиб ўтди.

Х. Турднев 1909 йилда Чимкент шаҳрида деҳқон оиласида туғилди. 1920 йилдан бошлаб ўз меҳнат фаолиятини бошлаб 25—30-йиллар давомида «Қизил Шарқ» устаханалари ҳузуридаги фабрика-завод билим юртининг ўқувчиси, сўнг ФЗУ мактабининг инструктори ва директори бўлди. 1934 йилда «Қизил Шарқ» устаханаларининг ёшлари Х. Турдиевни комсомол комитети секретарлигига сайладилар. Бу ишда у 1936 йилгача ишлади.

Шу йилдан бошлаб Х. Турдиев раҳбар партия ишларида бўлди. Ленин район партия комитети биринчи секретарининг ўринбосари, сўнг Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети саноат ва транспорт бўлимининг мудири, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари, Бухоро, Тошкент, Фарғона область партия комитетларининг биринчи секретарн, «Хазарбог» ва «Норпой» пахтачилик совхозларининг директори, Тошкент область ижроия комитетининг раиси, Чорнўй-Кўнғирот темир йўли қурилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, «Сурханводстрой» бошлиги лавозимларида ишлади. 1957 йилдан бўён Х. Турдиев Тошкент область автомобиль йўллари қурилиши ва ремонти бошқармасининг бошлиги бўлиб ишлаб келди.

Халил Турдиев партия юборган қайси бир лавозимда бўлмасин, тўла куч-қувват билан ишлади. Ўзининг катта ташкилотчилик ва ирода қобилиятларини кўрсата билди, топширилган ишга юксак жавобгарлик ҳисси билан ёндошди, ўзига ва бошқаларга талабчан бўлди, ҳамманинг ҳурмат ва обрў-эътиборини қозонди.

Х. Турднев республика ва областнинг партия ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашди. Партия ва Совет давлати унинг хизматларини юксак баҳолаб, Ленин ордени, иккинчи даражали Ватан уруши, Ҳурмат белгиси, Меҳнат Қизил Байроқ ва Қизил байроқ орденлари ва қатор медаллар билан тақдирлади.

Партия ва халқнинг содиқ фарзанди, чарчамас ходим, ажойиб ўртоқ ва дўст Халил Турдиевнинг порлоқ хотираси қалбларимизда абадий сақланажак.

Абдураззоқов Б. А., Асомов С. А., Белоусов Н. И., Деҳқонхўжаев Н. К., Зуфаров А. З., Истомин Б. М., Икромов А. И., Каюмов А. К., Камолов М. К., Мусахонов М. М., Малихин Н. И., Маматисаев И. И., Расулов С. Р., Раҳматхўжаева С. А., Тошқулов С. Т., Тоҳров С. М., Хўжаев З. Х., Ҳайдарова Г. К., Ханин К. К., Юнусов Р. Р.



СҮНГГИ йилларда Оққўрғон районидаги Навоий номли колхознинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бу ерда эски, пастқам бинолар ўрнида муҳташам турар жойлар қад кўтармоқда. Суратда: колхоз марказининг кўриниши.

А. АБАЛЯН фотоси.

ЙЎЛДОШ ШАҲАРГА ТРОЛЛЕЙБУСДА БОРИЛАДИ

Тошкентни йўлдош шаҳар — Сергели билан боғлайдиган Ўрта Осиёда биринчи шаҳар ташқарисидаги троллейбус йўли 5 ноябрда фойдаланиш учун қабул қилинди.

Йўлдош узунлиги 16 километр. У Вокзал олди майдонидан бошланади. Энгельс шаҳридаги заводдан келтирилган 12-та янги машина Пролетар, Гоголь, Шевченко, Лаҳутий, Шота Руставели кўчаларидан юриб, Сергели томон йўл олади. Ҳар бир машинанинг бориб келиш вақтида босиб ўтадиган 32 километрлик рейси бекатларда тўхташни ҳам ҳисобга олганда 84 минут вақтни олади. Машина ҳар 7—8 минутда келиб туради.

Сергели район ижроия комитети раиси Лидия Бекбулбекованинг айтишича, йўл сайловчиларнинг наказларига биноан қурилган бўлиб, ишлар маҳаллий совет депутатларининг назорати остида олиб борилган. Тошкент—Сергели троллейбусининг рейслари «Йўлдош» шаҳар аҳолисининг пойтахт маркази билан алоқаси проблемасинигина ҳал қилиш имконини бериб қолмай, шу билан бирга автобусларнинг ҳаракатини яхши ташкил қилишга ёрдам беради.

Янги троллейбус маршрути ҳар куни камида 7 минг пассажирни ташиш имконини беради. Троллейбусда қатнаш баҳоси шаҳар йўлларидаги сингари 4 тийин.

Ю. КРУЖИЛИН,
(ЎзТАГ мухбири).

Андрей СОЛОВЬЕВ

ҚИРҚ ТЎРТИНЧИ ЙИЛ СЕНТЯБРИДА

— Фюрерга хизмат қилишга тайёрман... Сўнгги томчи қонимгача қолгунча...

Грейфе қўлини олдинга кўтарди. Улкан хона сукунатида фашистлар саломи янгради.

— Хайл Гитлер! — жавоб беради ҳозиргина тутилган террорчи.

...Бир неча кун «ижодий» дам олгандан сўнг, уни яна Грейфе ҳузурига чақиради. Тавринни «тарихий вазифа»ни бажаришга тайёрлаш планлари ва муддатлари муҳокама қилинди. Қурол-яроғ, кийим-кечаклари фронт орқасига ташлаш усуллари, террорчининг Москвага кириш имкониятлари мўлжалланди. Аммо, Таврин хусусан кимни даф қилиши кераклиги ҳақида индамасди.

Тавриннн бевосита тайёргарликдан ўтказиш муддатида 1943 йил сентябрида Псковга — «Цеппелин» разведка органининг «Русланд—Норд» бош командаси бошлиғи штурмбанфюрер Отто Краус ҳузурига юборишди. Бу ерда «Русланд—Норд»нинг бошқа агентларидан ўта сир тутилган ҳолда Краус ҳамда унинг ўринбосари оберштурмбанфюрер Графе ва бошқа иккита мутахассис инструктор раҳбарлигида Таврин суиқасд йўлларини ўзлаштира бошлади.

1943 йил декабрида эса, яъни орадан икки ой ўтгач, Тавриннн Берлинга келтиришди. Оберштурмбанфюрер Графе тайёргарлик ишларини батафсил суриштирди. Олган имтиҳондан қониқмай, Тавриннн яна синаб кўрди. Таврин эса жон-жаҳди билан бутун ишларни айтилганидек бажарди. Шеф хурсанд эди — шогирди уддабурон чиқган эди...

ГИТЛЕРНИНГ ЭРКАТОЙИ

«Русланд—Норд»га қайтиладиган кундан бир кун аввал, кечқурун Тавриннн Грейфеннинг ҳузурига чақиришди. Сўнг Грейфе билан бирга Потсдаменштрассе кўчасидаги 28 уйга, империя хавфсизлиги бош бошқармасига жўнашди.

Кўпқаватли, зимистон бинонинг гранит зиналаридан тўртинчи қаватга кўтарилишди. Эсэсчилар гоят эҳтиёткорлик билан қўриқлаётган бинонинг бир қанотида жойлашган катта қабулхонага киришди. Уларни дарҳол ичкарига таклиф қилдилар. Стол орқасида паҳлавон гавдали бир киши утирарди. У штурмбанфюрер формасида эди. Каттакон тўртбурчак юзли, кенг пешона, олдинга туртиб чиққан даҳанли бу одамнинг чап юзида қулоғидан озгинача, то даҳани остига қадар чуқур кўкиш-қизил чандиқ бор эди. Бу Гитлернинг эркатойи Отто Скорцени эди.

Отто Скорцени кўкрагида давлатнинг олий нишонлари бўлиб, улар Кальтенбруннер, Гиммлер ва шахсан фюрернинг ўзи томонидан «алоҳида давлат аҳамиятига эга бўлган» топшириқларни бажаргани учун берилганди.

...1943 йил ёзи. Австрияда фашистлар исён кўтаришга уринган пайтлар. Скорцени бошлиқ эсэсчи каллакесарлар отряди Блахаусплас майдонидаги Австрия федерал канцлери резиденциясига бостириб киради. Бир неча ўқ билан яраланган канцлер Энгельбрет Дольфу сўзсиз ёзув столи ёнида ерга агдарилади.

...1938 йил март ойи. Скорцени бир группа эсэсчилар билан Австрия президенти Миклас саройига киради ва уни гестапо биносининг ертўласига олиб келади. Худди шу куни ҳукумат бошлиғи турган уйга ҳуруж қилиниб, Скорцени Австрия канцлери Шушнигни қўлга олади.

...1938 йил ноябри. Скорцени Кальтенбруннер билан биргаликда Венада яҳудийларни энг катта погром қилиш операциясини бошқаради.

...1940 йил. Скорцени Голландия, Бельгия ва Югославияда ваҳшиёна қаттиққўллик билан «янгича тартиб» ўрнатади.

Совет Иттифоқига ҳужум қилинган кундан бошлаб Скорцени жаллодлари минг-минглаб одамларни қириб, ёндириб, вайрон қилиб, Москвага интилди. Бироқ, совет қўшинларининг қудратли зарбалари бу ашаддий фашистнинг попугини пасайтириб қўйди. Мен кўрқув нималигини билмайман, деб мақтанадиган Скорцени ўз тақдири рус дала ва ўрмонларини ўз жасадлари билан ҳаром қилаётган немис зўравонларининг тақдирига ўхшаб қолишини асло ёқтирмай қолди. У Берлинда, империя хавфсизлиги бош бошқармасида жойлашиб олди. У энди империя чегарасидан ташқарида иш кўраётган эсэсчи диверсантлар ва жаллодларнинг бошлиғи. Бутун қўпорувчилик ва террорчилик «ишлари»нинг бутун иплари унинг қўлига келиб уланади.

...Таврин ҳаяжонда. У Скорцени ҳақида кўп эшитган, бу даҳшатли одам билан учрашув унда икки хил фикр уйғотди. У оддий агентдан империя хавфсизлиги бошқармасининг катта раҳбарлари киддий манфаатдор бўлган шахсга айланганини тушунарди. Бундай «парвоз» унинг иззат-нафсини қитиқларди. Хаёлида Скорценининг кенг кўкрагини тўлдириб турган «Рицарлик крести» ҳам, «100 мушкетер» нишони ва бошқа темир-терсаклар унга ҳам гўё насиб бўлгандай.

Аммо, орден ва медалларга ҳали анча бор эди. Ҳозирча «алоҳида давлат аҳамиятига эга бўлган топшириқ»ни бажариши керак. Тагин кимнинг қўл остида-я! Мана хозир у худди шу хонада, баҳайбат панжалари билан нақ гирибонингдан олса, нима ҳам қилаолардинг!

Суҳбат узоққа чўзилмади. Скорцени ўткир кўзи билан Тавринга тикиларкан, унда ўзи ўйлаб топган «аср қотиллиги»да бош ролни бемалол ўйнай оладиган «қобил» террорчини кўра билди. Скорцени тасаввурида Таврин етарли даражада иродали, аммо ўз ночор аҳволидан қутилиш мумкин эмаслигини аниқ билиб турган агент эди. Ватанига қарши Таврин қилган жиноятларнинг тортдек оғирлиги бу одамга бемалол ишониш мумкинлигини таъминларди. Ўз жонини қутқариш йўлида гитлерчиларга жони узилгунига қадар хизмат қилишга уни мажбур этарди. Тавриннинг тақдири ҳал бўлган эди...

— Биласанми, бу нусҳа бошқа жосусларга ўхшамайди, савлати бор экан, — деди Скорцени Грейфега мурожаат қилиб, Таврин жўнаб кетгач. — Мен розиман.

— Хизматга тайёрман, Отто!

— Эрхард, дарҳол агентни тайёрлаш ишларини тезлатиб, бутун планни яхшилаб ишдан игнасигача қатдири рус дала ва ўрмонларини ўз жасадлари билан ҳаром қилаётган немис зўравонларининг тақдирига ўхшаб қолишини асло ёқтирмай қолди. У Берлинда, империя хавфсизлиги бош бошқармасида жойлашиб олди. У энди империя чегарасидан ташқарида иш кўраётган эсэсчи диверсантлар ва жаллодларнинг бошлиғи. Бутун қўпорувчилик ва террорчилик «ишлари»нинг бутун ипларини қўлига келиб уланади.

...Таврин ҳаяжонда. У Скорцени ҳақида кўп эшитган, бу даҳшатли одам билан учрашув унда икки хил фикр уйғотди. У оддий агентдан империя хавфсизлиги бошқармасининг катта раҳбарлари кийдирилган манфаатдор бўлган шахсга айланганини тушунарди. Бундай «парвоз» унинг иззат-нафсини қитиқларди. Хаёлида Скорценининг кенг кўкрагини тўлдириб турган «Рицарлик крести» ҳам, «100 мушкетер» нишони ва бошқа темир-терсаклар унга ҳам гўё насиб бўлгандай.

Аммо, орден ва медалларга ҳали анча бор эди. Ҳозирча «алоҳида давлат аҳамиятига эга бўлган топшириқ»ни бажариши керак. Та-

(Давоми бор)

(Бошқа газетамизнинг 4 ва 5 ноябрь сонларида).

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ЧЕТ ЭЛЛАРДА ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ

РИМ. (ТАСС). «Италия-СССР» жамиятининг VI съезди Италиянинг Перуж шаҳрида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 54 йиллиги шарафига бағишлаб ўтказган йиғини оммавий митинг билан тамом бўлди.

ЛОНДОН. (ТАСС). Инглиз жамоатчилиги кенг доираларининг вакиллари 7 ноябрда Лондондаги «Мермейд» театрида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 54 йиллигига бағишланган тантанали митингда қатнашдилар.

Англия-Совет дўстлиги жамияти уюштирган бу митингда Буюк Британия Коммунистик партиясининг бош секретари Жон Голлан, Англия-Совет дўстлиги жамиятининг раиси Л. Брэдшоу ва Англиянинг бошқа таниқли жамоат ҳамда сиёсий арбоблари иштирок қилдилар.

САН-ХОСЕ. (ТАСС). Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 54 йиллиги муносабати билан Коста-Рика халқ авангарди партияси баёнот эълон қилди. Партия бу баёнотида «мамлакат ишчилари, деҳқонлари ва зиёлилари номидан Совет Иттифоқи халқи, ҳукумати ва Коммунистик партиясига дўстона табрик сўзлари билан мурожаат қилади». «Октябрь революцияси,— дейилади баёнотда,— социализм даврини бошлаб берди. Россияда 54 йил муқаддам бошланган жараёнга халқлар бера оладиган куч бўлган эмас ва бундан буён ҳам бўлмайди».

СИНГАПУР. (ТАСС). Сингапурдаги бир қанча газеталар Октябрь революциясининг 54 йиллигига бағишланган махсус иловалар билан чиқди. Газеталар ўз мақолалари ва бошқа материалларида Совет Иттифоқи экономикасининг тараққиёти, унинг ташқи сиёсати тўғрисида, Совет-Сингапур муносабатлари ҳақида ўз газетхонларига ҳикоя қилиб берадилар.


ЖАҲОН ТИНЧЛИК КЕНГАШИ ҚОРАЛАДИ

ХЕЛЬСИНКИ, 9 ноябрь (ТАСС). Жаҳон жамоатчилигининг норозилик билдиришига қарамай, АҚШ Эмчитка оролида (Алеут архипелаги) 5 мегатонна қувватли ядро бомбасини ер остида портлатди. Жаҳон тинчлик Кенгаши ядро бомбасининг портлатилишини қоралади.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши секретариати АҚШ президенти Р. Никсонга йўллаган норозилик телеграммасида бундай дейилади: Америка маъмурлари ядро бомбасини портлатиш билан тинчликсевар халқларнинг ҳаётий манфаатларини назарписанд этмаётганликларини намойиш қилдилар.

ДЎСТЛИК ОЙЛИГИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Бундан 24 йил муқаддам тарихий қизил қалъада мустақил Ҳиндистоннинг уч хил рангдаги байроғи биринчи марта хилпираган эди. Ҳиндистон пойтахтидаги ана шу тарихий жойда Ҳиндистон жамоатчилигининг митинги бўлди. Бир неча минг киши қатнашган бу митинг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 54 йиллигига ва тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Ҳиндистон-Совет шартномасининг имзоланишига бағишланди. Ана шу митинг билан Ҳиндистонда Ҳиндистон—Совет дўстлиги ойлиги бошланди.



▲ АМСТЕРДАМ. «Ер йўлдошидан Салютгача» — Нидерландиядаги саноат ва техника институти биносида Совет Иттифоқининг космосни татқиқ этиш борасида эришган муваффақиятларига бағишлаб очилган виставка ана шундай ном билан аталади. Суратда: томошабинлар «Луноход-1» совет автомат станциясининг модели билан танишмоқдалар.

АНП—ТАСС фотоси.

УНУТИЛМАС ТААССУРОТ

БУДАПЕШТ, (ТАСС). Америкаиинг таниқли жамоат арбоби, халқаро Ленин мукофоти лауреати Сайрус Итон СССР-дан Будапештга келган эди. У ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтди: Совет Иттифоқининг муваффақиятлари ва бу мамлакат олдида очилаётган кенг истиқболлар менда яна унутилмас таассурот қолдирди. СССР, — деб таъкидлади у, — жаҳондаги энг катта мамлакатлардан эканлиги ҳаммага маълум. Куч-ғайратга тўлиб тошган ва гоят умидвор бўлган совет халқи ўз мамлакатини жаҳондаги биринчи мамлакатлардан бирига айлантириб, жуда катта табиий бойликларни ўзлаштириш учун ўз қобилияти ва ғайратини сарф қилмоқда. Совет кишиларининг истиқболи порлоқдир. Бу эса бутун жаҳон учун муҳимдир.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Спорт

СПАРТАКЧИЛАР ХУРСАНД ҚИЛМОҚДА

Тошкентнинг «Спартак» хоккейчилари чемпионат мусобақаларини муваффақиятли бошлашди. Улар тажрибали Чебаркуль шаҳри хоккейчиларидан уч очко олгач, «Жанубий Урал» (Орск) командаси билан куч синашдилар. Бу коллектив спартакчилар сингари «А» классида биринчи марта ўйнамоқда. Орсликлар ўтган йили группада ғолиб чиқиб, «Б» классидан иккинчи лигага йўл олган эдилар. Биринчи турда Жанубий уралликлар Олмаота шаҳрида маҳаллий хоккейчилардан икки марта мағлубиятга учрадилар. Шунинг учун улар Тошкентдаги ўйинни муваффақиятли ўтказишга ҳаракат қилдилар. Аммо рақибларига нисбатан тезкорлик билан ҳаракат қилган ҳамшаҳарларимиз биринчи бўлиб шайбани тўрга туширишди (Н. Фомин). Меҳмонлар ўйинининг иккинчи бўлимида ҳисобни тенглаштирдилар (К. Беренов). Ҳимояга кўпроқ эътибор берган Жанубий Урал командаси узоқ вақт дуранг натижани сақлаб туролди. Лекин спартакчиларнинг шиддатли ҳужумлари уларни шошириб қўйди. Константин Юфа Орск хоккейчилари дарвозаси орқасидаги чироқни иккинчи марта ёқди. Сўнг команда ветерани Виктор Каштанов учинчи тўртинчи шайбаларни киритди. Учрашувга Борис Новиков киритган бешинчи шайба билан нуқта қўйилди. Кеча бу командалар иккинчи марта майдонга тушишди.

«Спартак» хоккейчилари ўйиндан-ўйинга мухлислар муҳаббатини қозониб келмоқдалар. Энди уларни декабрь ойида «Юбилей» спорт залида кўрамиз. Хоккейчиларимиз биринчи сафарга отланмоқдалар. Олдинда Новосибирск ва Хабаровск музи устида армянчилар билан бўладиган учрашувлар турибди.

КУМУШ ВА БРОНЗА СОВРИНДОРЛАРИ

8 ноябрь куни футбол бўйича СССР биринчилигининг кумуш ва бронза медаллари эгалари маълум бўлди. «Арарат» командаси Москва динамочиларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, 37 очко тўплади. Арман футболчилари биринчи марта фахрли иккинчи ўринга кўтарилмоқдалар. Уларга чемпионатнинг кумуш медаллари топширилади. Москва динамочиларининг Еревандаги мағлубияти тбилисиликларга қўл келди. Грузин футболчилари 12 ноябрда Москва спартакчилари билан бўладиган ўйин қандай натижа билан якунланишидан қатъий назар учинчи ўринда қоладилар. Г. Качалин шогирдларига бронза медалларн топширилади. «Спартак» сўнгги учрашувни муваффақиятли якунласа тўртинчи ўринга кўтарилиши мумкин. Якшанба куни «Қайрат» устидан ғалаба қозонган спартакчилар (2:1) турнир жадвалида «Заря»дан сўнг бешинчи ўринда турибди.

Жадвалнинг сўнгги погоналарида ҳам ўзгариш юз берди. Ростов армиячилари бу йилги чемпионлар — «Динамо» (Киев) футболчиларини қабул қилиб, муҳим икки очкони қўлга киритдилар — 2:1. Улар 25 очко билан ўн тўртинчи ўринга кўтарилдилар. Кеча мавсумнинг энг муҳим икки учрашуви — «Карпатн» — ЦСКА, «Пахтакор» — «Нефтчи» ўйинлари бўлди.

СУВ ОСТИДА ЙЎЛ

Марсель қирғоқларида дастлабки сув ости осма йўли очилди. Бу «йўл»дан сайр қилувчилар сув остига чўктирилувчи тўртта хоначага тушиб, шу кабиналарда сим канатдан сирғалиб борадилар. Кабина сув остида сузиб борганида ичидаги атмосфера босими нормал сақланиб тураверади.

Сув ости йўлининг узунлиги бир километр бўлиб, унинг денгиз юзасидан энг чуқур бўлган участкаси 30 метр пастликда жойлашган. Сув ости сафари эса бор-йўғи 15 минутда тугайди. Кабиналар 6 кишига мўлжалланган бўлиб улар айланиб туради. Яъни пассажирлар сув ости оламини бемалол томоша қилиб бораверадилар.

ПАРАФИНДАН ОҚСИЛ

«Бритиш Петрулум» инглиз нефть кампанияси парафиндан янги оқсил моддаси ҳосил қилажагини эълон қилди. Бу — молларга бериладиган оқсил емн тайёрлаш янада кўпайди, демакдир. Яқин вақт ичида кампанияга қарашли иккита завод шундай оқсил емн ишлаб чиқариш учун ихтисослашади ҳамда йилига 100000 тонна шундай маҳсулот ишлаб чиқаради. Янги хил оқсил парафинни хамиртуруш ўсимтаси ёки баъзи бир микроорганизмлар билан ферментация қилиш асосида ҳосил қилинади.

Ҳар тўғрида

КАТТАЛАР УЧУН

Одатда катталар болаларга мўлжаллаб минг-минглаб асар ёзишади. Хўш, болалар катталарга атаб китоб ёзишса-чи? Фин ёзувчиси ва ноширн Осмо Лампинен шу саволга жавоб тариқасида 12—18 ёшдаги болалар ёзган 35 номдаги китобини нашр этди. Бу китоблар «Алоқа» сериясида чиқарилган бўлиб, биринчи навбатда катталар учун мўлжаллангандир.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

СОВЕТ МИЛИЦИЯСИ КУНИ

ЖАҲОН ЭШЛАР КУНИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 18.00 — «Ахборот» информацион программаси. 18.15 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Дўстлик — жаҳон бўйлаб незади». 19.05 — «Узбекгелефильм» кўрсатади. 19.25 — Ёзувчилар — пахтакорларга. 19.40 — «Ахборот» информацион программаси. 20.00 — Мақсуд Шайхзоданинг ижодий портрети. 21.00 да — Дала ишлари кундалиги. 21.20 — Янка созандалар концерти.

22.00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 22.00 — «Ярим аср йилномаси» (кўп сериялн телевизион ҳужжатли фильмнинг 1963 йил ҳақидаги сериясн), 22.55 — «Тунги патруль» (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

19.00 — Ўқув программаси. Эстетика асослари. 8—10-синф (Ўзбек тилида).

Рус тилида: 19.40 — Аҳолига нўпляб товарлар. 20.20 — «Ленин истиқболига» (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 10/XI да Севилья сартароши.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/XI да Табассум ўгрилари, 11/XI Машаққатли йўл.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/XI да Нурхон.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСР халқ артисти И. Рубан раҳбарлигидаги ўргатилган ёввойи ҳайвонлар иштирокида МОСКВА ДАВЛАТ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (кеч соат 7 яримда, шанба кунлари кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда, якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда).

КИНО

Қобулдаги миссия — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА», «ЧАЙКА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 11, 3, кеч 7 ва 9 да).

Тасодифлар ёнма-ён — «КЎКЧА» (Ўзбек тилида, тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 1, 4, 5, кеч 8 да).

Офицерлар — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Сен ёнимда бўлсанг — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «МОСКВА» (тоқ соатларда).

Темир эшик сири — «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 11.40 минутда).

Пеппи — узун пайпоқ — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

482 ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМА

Тошкент шаҳридаги 46-ҳунар-техника билим юртида землесос машинистларини тайёрлайдиган

6 ойлик курсларга қабул эълон қилади

18 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

Уқувчиларга ойига 76 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Курсларни тугатганлар Ўрта-Осиё республикаларида ишлашга юборилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор кўчаси, 87-уй (6, 14, 24 автобусларнинг «Пекин», 7, 9, 13 троллейбусларнинг «Волгоградский» бекати).

Ҳ. А. Ҳасанова ва Я. Б. Айсановларнинг диссертация ёқлаши («Тошкент ҳақиқати» газетасининг 26 октябрь сонига қаралсин)

24 НОЯБРГА КЎЧИРИЛАДИ

Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети ва Тошкент область бодғорчилик-виночилик совхозлари трести «Олмазор» совхозининг директори, 1930 йилдан КПСС аъзоси, қишлоқ хўжалигининг кекса ходими

Петр Федорович ЮРКОВНИНГ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилиб, марҳумнинг оиласига таъзия билдирадилар.

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети областнинг кекса ходимларидан

Султон НИШОНБОЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

Р — 02994. ИНДЕКС 64697. А—1865.